

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

- 1. “Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмуни.**
- 2. Инновацион жараённинг босқичлари.**
- 3. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.**
- 4. Ҳамкорлик таълим технологияларининг дидактик моҳияти.**

“ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ

Таълим тизимида туб ислохотлар зарурлигини эътироф этиш учун ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб педагогик лексиконда "Инновация" ибораси қўллана бошлади. У педагогика назарияси ва амалиётида аллақачон ўз ўрнини топган бўлсада, унинг моҳияти шу пайтгача тўлақонли ёритилмаган ҳисобланади, яъни яқдиллик мавжуд эмас.

Кенг маънода "Инновация" педагогик тизимга янгилик киритиш йўли билан таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш, сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутуди. Педагогика тизимида киритилган янгилик сифат ва самарадорликка салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Биз тизимга унинг ички захира ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида киритилган янгиликларгина инновация деб тушунамиз.

Педагогик тизимни такомиллаштириб, юқори сифат ва самарадорликка эришишга оид ғоя, назария, қоида, шакл, методлар ва воситалар тизимини-педагогик инновациялар сифатида қабул қилиш мумкин. Сўнгги 20-25 йиллар давомида педагогик тизимга кўплаб янгиликлар киритилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мисол сифатида янги концепциялар, инвестициялар, ДТС, тестлар, муқобил ўқув режалари, янги турдаги ўқув юртлари, технологиялар ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Инновация (in-лик, novus-янги) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади.


“Инновацион таълим” деганда одатда ўқув жараёнига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади.

Шунинг учун таълим тизими инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ.

Бундай ўзгартиришлар таълим тизимининг:

- мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимига;
- педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;
- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига;
- ўқув-методик таъминотига;
- тарбиявий ишлар тизимига;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁННИНГ БОСҚИЧЛАРИ



Таълим инновациялари

Таърифи	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар
Мақсади	Сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш
Хусусияти	Бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга
Кўриниши	янги ғоялар; тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар; ноанъанавий ёндашувлар; илғор иш услублари одатий бўлмаган ташаббуслар

Таълим инновацияларининг турлари

1.	Фаолият йўналишига кўра	Педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар
2.	Киритилган ўзгаришлар тавсифига кўра	Радикал, модификацияланган, комбинацияланган инновациялар
3.	Ўзгаришлар кўламига кўра:	Модул, тармоқ (локаль) ва тизим инновациялари
4.	Келиб чиқиш манбаига кўра	Жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар

Новация (янги ланиш) қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаган фаолиятда қўлланилиб, тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилади

Инновация фаолиятнинг маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилишини англатади

Асосий фарқлари:

амалдаги назария доирасида қўлланилади; кўлам ва вақт бўйича чегараланади; методлар янгиланади; натижа аввалги тизимни такомиллаштиради

тизимли, яхлит, давомли бўлади; амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; янги технологиялар яратилади; фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

Инновацион фаолият

Таърифи

Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги ғояларнинг эски ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

Мақсади


илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратиш

Педагогнинг
инновацион
фаолияти
белгилари


янгиликни қўллашга тайёргарлиги; педагогик янгиликларни қабул қилиши; новаторлик даражаси; коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги; ижодкорлиги

Инновацион фаолият педагогнинг рухий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади

Инновацион ёндашув (В.Сластенин):



Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш **босқичлари:**



Шахсга йўналтирилган таълим –
талабанинг фикрлаш ва ҳаракат
стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг
шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини
ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

У педагог ва талаба ўртасидаги ўзаро
муносабат ҳамкорлик ва танлаш
эркинлигига асосланиб, талабани қадрият
сифатида эътироф этилишини учун
шароит яратади

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари:

- | | |
|-------------------|---------------------------|
| 1. Модул ТТ. | 8. Лойиҳа ТТ. |
| 2. Муаммоли ТТ. | 9. Дастурий ТТ. |
| 3. Интерфаол ТТ. | 10. Табақалаштирилган ТТ. |
| 4. Индивидуал ТТ. | 11. Ривожлантирувчи ТТ. |
| 5. Масофавий ТТ. | 12. Ўйин технологиялари. |
| 6. Компьютер ТТ. | 13. Гендер ТТ. |
| 7. Ҳамкорлик ТТ | 14. Қувватни тежовчи ТТ |

Ҳамкорлик таълими технологиялари (ХТТ)

Таърифи

Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар

ХТТнинг ғоялари ХХ асрнинг 80-йилларида Ж.Ж.Руссо, К.Д.Ушинский, В.А.Сухомлинский, А.С.Макаренко ва бошқа педагогларнинг қарашлари асосида шаклланган

Мақсади

Талабаларда интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний қобилият, қизиқиш, мотивларни ривожлантириш орқали дунёқарашни ҳосил қилиш

ҲТТни қўллашда талабалардан қуйидагилар талаб этилади:

- шериги ва гуруҳдошлари билан ҳамкорликка эришиш;
- фаол ишлаш, топшириққа нисбатан масъулиятли ёндашиш;
- шериги ёки гуруҳдошларига ижобий муносабатда бўлиш;
- нафақат ўз ютуғи, балки шериги ва гуруҳининг муваффақияти учун жавобгарликни ҳис қилиш;
- жуфтликда ва гуруҳда ишлаш — жиддий ва масъулиятли меҳнат эканлигини ҳис қилиш

“Ажурли арра” (фр. “ажоур” – бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик) стратегияси яхлит мавзунини бир нечта қисмларга ажратган ҳолда мазмунини ёритиш асосида талабаларнинг уни пухта ўзлаштириши, ўз билимларини бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлиши таъминланади. Бу жараёнда талабалар тайёр матнлар билан ишлайди. 1986 йилда Ф.Славин томонидан “Ажурли арра-2” методи ишлаб чиқилган



Ўқитувчи талабаларни стратегияси моҳияти билан таништиради

Уларни гуруҳларга ажратади



Ўзлаштириладиган материаллар матни бир нечта қисмларга ажратилган ҳолда алоҳида қоғозларда қайд қилинади

Матнли материаллар жойлаштирилган пакет гуруҳларга тарқатилади



Гуруҳлар матнли материаллардан фойдаланиб, топшириқни бажаради

Топшириқ бажарилгач, ҳар бир гуруҳдан матнни яхши ўзлаштирган талаба ажратиб олиниб, улардан эксперт гуруҳи шакллантирилади



Эксперт гуруҳи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқаларга етказиш режасини тузади

Эксперт гуруҳи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқа гуруҳларга ҳам ўргатади

Инновацион ТТнинг алгоритми

Алгоритм

```
graph TD; A[Алгоритм] --- B[Рағбатлантирувчи асос]; A --- C[Социоконструкция]; A --- D[Маълумотларни билишга интилиш]; A --- E[Моноконструкция]; A --- F[Ижтимоийлашув]; A --- G[Рефлексия]; B <--> E; C <--> F; D <--> G;
```

Рағбатлантирувчи
асос

Моноконструкция

Социоконструкция

Ижтимоийлашув

Маълумотларни
билишга интилиш

Рефлексия


Рағбатлантирувчи асос	Шахсга йўналтирилган муаммоли вазиятни юзага келтиришга хизмат қилади. Вазиятни яратишда педагогнинг ижодкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Талабани жалб этадиган машғулотлар: тажриба ишлари, фотосурат ва картиналар намойиши кабилар рағбатлантирувчи асос саналади. Турли расм, сўз ёки бирор-бир воқеани ёдга олиш рағбатлантирувчи асосни юзага келтиради
Моноконструкция	Топшириқ бўйича индивидуал ишлаш бўлиб, унга кўра матн, товуш, модел, бўёк, шеър, лойиҳа, расмлар ёрдамида талабаларда муаммони кўра олиш, гипотезани илгари суриш, ечимни топиш каби кўникма, малакалар шакллантирилади
Социоконструкция	Кичик гуруҳларда ишлаш учун шароит яратади. Унга кўра талабалар дастлаб жуфтликда, кейин эса кичик гуруҳларда ишлайди. Жуфтликда ишлашда шерикни талабанинг ўзи танлайди, педагог эса талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Бунда педагог талабаларга хос психологик хусусиятларни ҳисобга олиши зарур
Ижтимоийлашув	Талабанинг ижтимоийлашуви мустақил таълим олишда ҳам рўй бериб, бу ҳолат гуруҳни ижодий изланишга илҳомлантиради. Талабалар ҳамкорлик асосида ўзларига хос индивидуал сифатларни ҳам намоён эта олишлари лозим
Маълумотларни билишга интилиш	Талабалар етарлича билим, кўникмаларга эга бўлмаган вазиятда юзага келиб, уларда дарслик, луғат, маълумотнома ва бошқа манбалар билан ишлаш эҳтиёжи туғилади. Мустақил ўқиб-ўрганиш талабаларни фикрлашга, ижодий изланишга ўргатади. Талабалар билимларни мажбуран эмас, балки ихтиёрий ўзлаштиради
Рефлексия	Талабанинг шахсий ёндашуви, кечинмалари, тафаккуридаги ўзгаришларни таҳлил қилиши, ўзи эришаётган ютуқлар, камчиликларнинг сабабларини билишга интилишидир. У камчиликларни тан олса, педагог унинг қарори асосида фаолият юритиш, янги билимларни ўзлаштиришнинг кейинги босқичларини тўғри белгилай олади

“Ассесмент” инглизча сўз бўлиб,
“баҳо”, “баҳолаш” маъносини
билдиради, у ўтган асрнинг 30-40-
йилларида илк марта қўлланилган.
Йирик компаниялар фаолиятида эса
технология биринчи марта 1954-йилда
тадқиқот дастурларини амалга
ошириш доирасида қўлланилган

Ушбу технология қуйидаги уч мақсадга
хизмат қилади:


- 1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, холис баҳолаш;
- 2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;
- 3) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш

Таълим олувчи диққатиининг вақтга нисбатан ўзгариб бориши



Эслаб қолиш даражасига сезги органларининг таъсири

Эсда сақлаб
қолиш



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ!**